



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 25 » август

№ 512

Toshkent sh.

Экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофоти учун тўлов харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофоти учун тўлов харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланган экспорт қилувчиларга мазкур қарор билан жорий қилинаётган тартибга мувофиқ суғурта мукофоти учун тўлов харажатлари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия маблағлари ҳисобидан компенсация қилиб берилади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “25” августдаги “512”-сон қарорига
илова

**Экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан
фойдаланганда, суғурта мукофоти учун тўлов харажатларини
компенсация қилиш тартиби тўғрисида низом**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, уларга суғурта мукофоти учун тўлов харажатларини компенсация қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

гаров сифатида суғурта хизмати – экспорт ва экспортолди молиялаштириш шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида суғурта ҳимояси тақдим этилиши;

молияловчи шахс – экспорт қилувчи томонидан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши ва хорижий давлатга жўнатилиши билан боғлиқ фаолиятни кредит, кафолат, кафиллик, лизинг ёки бошқа шаклда моддий ва (ёки) молиявий кўллаб-куватловчи маҳаллий ёки хорижий инвестор, банк, лизинг компанияси, микрокредит ташкилоти ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс;

суғурталовчи – тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

суғурта қилдирувчи – суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузувчи, суғурта шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта мукофотини тўловчи ҳамда суғурталовчилар билан муайян суғурта муносабатларига кирувчи ҳар қандай ташкилий-хуқуқий шаклдаги юридик шахс ёки тўлиқ фуқаролик лаёқатига эга бўлган жисмоний шахс;

суғурта пули – суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи мажбуриятларининг чегарасини англашувчи пул маблағлари миқдори;

суғурта мукофотлари (суғурта брутто-мукофотлар) – ҳисоблаш тартиби ва миқдори суғурта шартномаси билан белгиланадиган, суғурта қилдирувчи томонидан тўланадиган пул маблағи.

Мазкур низом доирасидаги муносабатлар учун **суғурта қилдирувчи** – экспорт қилувчи ёки молияловчи шахс ҳисобланади;

экспорт қилувчи – Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган, маҳсулотларни хорижий давлатлардаги харидорларга экспорт

шартномалариги (инвойсга) асосан сотувчи, шунингдек, экспорт ва (ёки) воситачилик шартномаларига асосан юк жўнатувчи тадбиркорлик субъекти, шу жумладан унинг ваколатли вакили;

экспорт шартномаси – товарлар (ишлар, хизматлар) экспортига экспорт қилувчи билан Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ўртасида тузилган хўжалик шартномаси;

экспортолди молиялаштириш шартномаси – экспорт қилувчининг товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хорижий давлатларга экспорт қилиш фаолиятини кредит, кафолат, кафиллик ёки бошқа шаклда молиялаштириш ёки моддий қўллаб-қувватлаш бўйича хўжалик шартномалари.

3. Экспорт ва экспортолди молиялаштириш шартномаларига асосан гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланилганда, суғурталовчиларга тўлаб берилган ёки тўлаб бериладиган суғурта мукофотлари 100 фоиз компенсация қилиб берилади.

Бунда ушбу суғурта шартномалари бўйича тўланадиган суғурта мукофоти микдорининг суғурта пулининг 1 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми компенсация қилиб берилади. Компенсация қилинадиган суғурта мукофоти микдори суғурта пулининг 1 фоизидан ошган тақдирда, ошган қисми суғурта қилдирувчи томонидан тўланади.

2-боб. Суғурта мукофотини қоплаб беришнинг асосий шартлари

4. Агентлик томонидан гаров сифатида суғурта хизматлари бўйича суғурта мукофотини қоплаб бериш учун:

суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти суғурталовчига суғурта қилдирувчи томонидан тўланган бўлиши, суғурта мукофоти суғурталовчига тўғридан-тўғри қоплаб бериладиган ҳолатлар бундан мустасно;

экспорт шартномалари (инвойслар) Ташқи савдо операцияларининг ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилган бўлиши (битта инвойс бўйича 5 минг АҚШ долларигача товарларни (хизматларни) экспорт қилиш ҳолатларидан ташқари), экспортолди молиялаштириш шартномаси бўйича суғурта амалга оширилиши ҳолатлари бундан мустасно;

аввал олинган компенсация бўйича суғурта шартномаси муддатидан аввал бекор қилинган бўлса, суғурта қилдирувчи томонидан компенсациянинг ушбу Низом шартларига мувофиқ тегишли қисми қайтарилган бўлиши;

тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича факат суғурта қилдирувчининг ўз тадбиркорлик хавфи ва молияловчи шахс фойдасига суғурталаниши;

суғурта шартномасининг тури ушбу Низомда келтирилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган шартларга мос келиши шарт.

3-боб. Суғурта мукофотини қоплаб бериш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиши тартиби

5. Гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланилганда, Агентлик томонидан суғурта мукофотини компенсация қилиш бўйича суғурталовчилар ва суғурта қилдирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиши тартиби ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Компенсация олиш учун суғуратловчи ёки суғурта қилдирувчи томонидан Агентликка ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза қўйидаги ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этилади:

экспорт шартномаси (инвойс) ёки экспортолди шартномаси ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси;

суғурта мукофоти харажатини тасдиқловчи ҳужжатлар – суғурта полисининг нусхаси, тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида банк маълумотномаси (суғурта мукофоти суғурталовчига тўғридан-тўғри қоплаб бериладиган ҳоллар бундан мустасно).

7. Суғурта қилдирувчи ёки суғурталовчилардан ушбу Низомнинг 6 ва 15-бандларида кўрсатилган ҳужжатлардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

8. Компенсация олиш учун ариза Агентликка бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилиши мумкин.

Аризада электрон манзил кўрсатилганлиги аризачининг ариза бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

9. Компенсация олиш учун ариза Агентликка бевосита тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 6-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолатларда ариза кўриб чиқиши учун қабул қилинмайди.

10. Компенсация олиш учун ариза Агентликка почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 6-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, Агентлик З иш куни мобайнида мурожаат этган шахсга ёзма ёки электрон шаклда тегишли хат билан жавоб қайтаради.

11. Ушбу Низомнинг 6-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган аризалар Агентлик томонидан 7 иш куни давомида кўриб чиқилади.

12. Агентлик тақдим этилган хужжатларни ушбу Низомнинг 4-бандидаги шартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқади.

13. Агентлик тақдим этилган хужжатларни ахборот тизимлари, шу жумладан Ташқи савдо операцияларининг ягона ахборот тизими орқали ва суғурталовчиларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги маълумотлар базалари ёрдамида ҳамда сўровномалар юбориб, жавоблар олиш орқали ўрганиб чиқиши мумкин.

14. Ариза бўйича компенсация бериш юзасидан хulosса Агентлик директори томонидан қабул қилинади. Аризаларни қўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

15. Агентлик ҳар чорак якуни билан суғурта шартномаси тугаганлиги ёки муддатидан аввал бекор қилинганлигини мониторинг қилиб бориш мақсадида суғурталовчи ва суғурта қилдирувчидан шартномага оид хужжатларни ва маълумотларни, шунингдек экспортга оид хужжатлар нусхаси ва маълумотларни талаб қилишга ҳақли.

16. Агентлик томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра суғурта шартномаси муддатидан аввал бекор қилинганлиги аниқланган тақдирда, агар суғурта ҳодисаси содир бўлмаган ва (ёки) суғурта товони тўланмаган бўлса, суғурта шартномаси бўйича қоплаб берилган суғурта мукофотининг фойдаланилмаган давр учун мутаносиб қисми, шунингдек, экспорт қилувчи томонидан бир йил мобайнида экспорт амалга оширилмаса (форс-мажор ҳолатлари бундан мустасно), суғурта шартномаси бўйича қоплаб берилган суғурта мукофоти Агентлик томонидан юборилган ёзма билдиришнома қабул қилинган санадан бошлаб йигирма иш куни давомида суғурта қилдирувчи ёки суғурталовчи томонидан тўлиқ қайтарилиши керак.

Агентлик, суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасидаги компенсация шартларининг бузилиши билан боғлиқ низолар суд тартибида ҳал этилади.

4-боб. Суғурта мукофотини қоплаб беришни рад этиш

17. Агентликка компенсация олиш учун тақдим этилган хужжатларнинг ушбу Низом 4-бандида белгиланган шартларга ёки уларнинг бирига номувофиқлиги, тақдим этилган хужжатларда ушбу Низомнинг 13-бандида белгиланган тартибда ўрганишлар натижасида ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, суғурта мукофоти харажатларини қоплаб беришни рад этиш тўғрисида хulosса қабул қилиш учун асос бўлади.

18. Ушбу Низом талабларидан бошқа асосларга кўра, компенсация беришни рад этиш тўғрисида хulosса қабул қилинишига йўл кўйилмайди.

19. Рад этиш тўғрисида хulosса олинганда, кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда ўн кун муддатда Агентликка ариза билан қайта мурожаат қилиш мумкин.

Аризани қайта кўриб чиқишида Агентлик томонидан рад этишнинг аввал ёзма равишда тақдим этилмаган сабабларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Қайта тақдим этилган хужжатлар Агентлик томонидан рад этилган сабабларни бартараф этиш учун ариза олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқлади.

Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини қоплаб беришни рад этиш тўғрисидаги хулосадан норози бўлган тақдирда, шунингдек, Агентликнинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш хукуқига эга.

5-боб. Суғурта мукофотини қоплаш учун тўловларни амалга ошириш тартиби

20. Гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланилганда, суғурта мукофоти харажатлари Агентликка Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия маблағлари ҳисобидан қопланади.

21. Ҳар бир молия йили бошида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарорига мувофиқ Агентликнинг тасдиқланган смета бўйича буюртманомаси олинган кундан бошлаб уч банк иш куни мобайнida Агентликни молиялаштиради.

Молия йили давомида гаров сифатида суғурта хизматлари бўйича Агентликка тақдим этган аризаларга мувофиқ молиялаштириш зарурлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган сметага тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

22. Молия йили якуни бўйича Агентлик шахсий ғазна ҳисобварагида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

23. Агентлик суғурта мукофотини қоплаб бериш юзасидан хулоса қабул қилингандан кейин ҳар ҳафта якуни бўйича кейинги ҳафтанинг биринчи иш кунида субсидия маблағларини ажратиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига буюртманома тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этилган буюртманомага мувофиқ уч иш куни давомида компенсация маблағларини Агентликнинг ҳисобварагига ўтказиб беради.

Агентлик ҳисобварагига субсидия маблағлари келиб тушган кундан бошлаб бир иш куни давомида суғурта мукофот пули учун компенсация маблағларини суғурта қилдирувчи ёки суғурталовчининг тижорат банкларидаги ҳисобварагига ўтказиб беради.

Хорижий валютада тузилган экспорт ва экспортолди молиялаштириш шартномаларига асосан гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланилганда, суғурта қилдирувчилар томонидан суғурталовчиларга тўлаб берилган суғурта мукофоти харажатлари учун компенсация тўлаб берилади.

Хорижий валютада тўлов амалга оширилган суғурта мукофоти харажатлари учун компенсация миллий валютада амалга оширилади. Хорижий валютада тўлов амалга оширилган суғурта мукофоти харажатининг миллий валютадаги қиймати суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти харажатлари учун тўлов амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тегишли валюта курсига асосан ҳисобланади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

24. Агентлик томонидан суғурта мукофоти пулини компенсация қилиш учун субсидия маблағлари ажратилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Экспорт қилувчилар гаров сифатида сұгурта хизматларидан фойдаланғанда, сұгурта мукофоти учун түлов харажатларини компенсация қилиш тартиби түғрисидаги низомга
1-илова

**Гаров сифатида сұгурта хизматларидан фойдаланилғанда,
Агентлик томонидан сұгурта мукофотини компенсация қилиш бүйича
сұгурталовчилар ва сұгурта қилдирувчиларнинг аризаларни күриб чиқиш
СХЕМАСИ**

Боскічлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-боскіч	Сұгурта қилдирувчи ёки сұгурталовчи	<p>Экспортни рағбатлантириш агентлигига ариза билан бирга қуидаги хужжатларни тақдим этиш:</p> <p>ушбу Низомга 2-иловадаги шаклға мувофиқ ариза;</p> <p>экспорт шартномаси (инвойс) ёки экспортолди шартномаси ва (ёки) воситачилик шартномаси нұсхаси;</p> <p>гаров сифатида сұгурта хизматларидан фойдаланилғанда, сұгурта мукофоти харажатини тасдиқловчи хужжатлар – сұгурта полисининг нұсхаси, түлов амалға оширилғанлығы түғрисида банк маълумотномаси (сұгурта мукофоти сұгурталовчига түғридан-түғри қоплаб бериладиган холлар бундан мустасно).</p>	Сұгурта қилдирувчи ёки сұгурталовчининг ихтиёрига күра
2-боскіч	Экспортни рағбатлантириш агентлигі	<p>Тақдим этилган хужжатларни күриб чиқиш ва хулоса беріш:</p> <ul style="list-style-type: none">- хужжатлар түлиқ тақдим этилмагандан, уларни экспорт қилувчиларға жавоб хати билан Ѽзма ёки электрон шаклда қайтариш;- түлиқ тақдим этилган хужжатлар бүйича тегишли хулоса тайёрлаш ва экспорт қилувчиларни хабардор қилиш.	3 иш куни мобайнида 7 иш куни мобайнида
3-боскіч	Экспортни рағбатлантириш агентлигі	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига маблағ ажратыш бүйича буюртманома беріш.	Хар ҳафта ясуні бүйича кейинги ҳафтанинг биринчи иш куніда
4-боскіч	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигі	Компенсация маблағларини Агентликнинг ҳисобварагига ўтказиб беріш.	3 иш куни давомида
5-боскіч	Экспортни рағбатлантириш агентлигі	Сұгурта қилдирувчилар ёки сұгурталовчиларнинг хисобварагига тегишли маблағларни ўтказиб беріш.	Маблағлар түшгандан бошлаб 1 иш куни давомида

Экспорт килувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофоти учун тўлов харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги
Экспортни рафбатлантириш агентлиги директори _____ га

_____ дан

Ариза

(суғурта қилдирувчи ёки суғурталовчи номи) гаров сифатида фойдаланилган суғурта хизматлари учун тўланган суғурта мукофотини компенсация қилиб бериш масаласини кўриб чиқишингизни ва тегишли компенсация тўловини банкидаги _____ хисобварағига ўтказиб беришингизни сўрайман.

Аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинмоқда:

1. Экспорт шартномаси (инвойс) ёки экспортолди шартномаси ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси;
2. Суғурта мукофоти амалга оширилганлиги тўғрисида банк маълумотномаси ва суғурта полисининг нусхаси.

_____ раҳбари

_____ (Ф.И.О.)

Боғланиш учун тел.:+998 (____)

